

● Наманган шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежи маданият саройида белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтган йигитларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ЁИХ виллоят бўлими вакиллари, бўлажак аскарларнинг ота-оналари иштирок этишди.

● Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси қошида «Palata Cred Invest» кредит уюшмаси очилди. Ушбу уюшманинг асосий мақсади хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес вакиллари микрокредитлар билан таъминлаш, жойлардаги юридик ва жисмоний шахсларнинг савдо ва саноат фаолиятига амалий ёрдам беришдан иборат.

● Кўрғонтепа туманидаги Султонобод қишлоғида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Водий адолат нури» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Бу ерда хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида миллий услубдаги эшик ва дераза ромлари тайёрланмоқда. Янги корхонанинг фаолият бошлаши билан 26 киши иш ўринларига эга бўлди.

● Гулистонда Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилаётган «Йилнинг энг яхши мактаби» Республика кўрик-танловининг Сирдарё виллоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шаҳар ва туманлар босқичида голиб бўлган 11 та мактаб жамоаси ўзаро беллашди.

● Қашқадарё виллоят Адлия бошқармасида уюштирилган давра суҳбатида виллоятда меъёрий-қонунчилик ҳужжатларининг бажарилишини таъминлашнинг самарали механизмларини ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил этилди.

● Қарман туманидаги «Бишкет» фермер хўжалиги қошида гўштни қайта ишлайдиган корхона фаолият кўрсата бошлади. Айти пайтда 15 киши ишга жалб қилинган корхонада кунига 6 тонна гўшт қайта ишланиб, 11 турдаги қолбаса маҳсулотлари тайёрланмоқда.

ЖАҲОНДА

● АКШ юқори технологиялар ёрдамида Россия билан ҳамкорликда одам савдосига қарши курашни амалга ошириш ниятида эканлигини билдирди.

● Боливия Президенти Эво Моралес мамлакат космик агентлигини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекди. Маълумотларга кўра, Боливиянинг илк космик аппарати Хитойнинг сунъий йўлдошга оид DFH-4 платформаси асосида лойиҳаланади. Шу боис мамлакатга хитойлик мутахассислар ташриф буюришди.

● Дубай полицияси ХАМАС ҳаракати етакчиларидан бири, жорий йилнинг 19 январида ўлдирилган Маҳмуд ал-Мабулга нисбатан қотилликда алоқадорликда гумон қилинаётган 11 кишини ҳибсга олишга халқаро ордер берди. Дубай бош прокурори ўринбосарининг маълумотларига кўра, қотиллик ташкилотчилари 10 нафар эркак ва бир аёлдан иборат.

● Кеча Нигерда ҳарбийлар мамлакат пойтахти Ниамдаги президент саройини эгаллаб, давлат тўнтариши содир этдилар. Ҳозирча президент М.Танжининг тақдири номаълум. Исёнчилар мамлакат Конституциясини бекор қилиб, барча давлат институтларини тарқатиб юбордилар.

● Кеча Афғонистонда НАТО ҳарбий самолётининг нотўғри авиазарба бериши натижасида етти нафар афғон полициячиси ҳалок бўлди.

● Россия 2020 йилга бориб атмосферага чиқариладиган парник газлари миқдорини 1990 йилги даражадан 25 фоизга пасайтиришини маълум қилди.

● Америкалик ҳарбийлар томонидан Покистонда «Толибон» ҳаракатининг ҳарбий етакчиларидан бири Мулла Абдулла Фани Барадар қўлга туширилди. Таъкидлаш керакики, Мулла Барадар «Толибон» ҳаракатида Мулла Умардан кейин иккинчи етакчи шахс саналади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 34 (11.595)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Бугунги кун талабларига мос маҳсулот тайёрлаб, уларни харидорларга манзур этишда замонавий, юксак унумли технологик дастгоҳлар қувватидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кўшма корхоналарда

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШИРИЛАДИ

Замонавий дастгоҳ ва ускуналар асосида илғор технологияларни қўллаган ҳолда тайёрланаётган рақобатбардош маҳсулотлар иқтисодий-иқтисодий ривож таъминлашига, айниқса экспорт ҳажми орттишига ҳам муҳим ҳисса бўлмоқда.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Тош-Росстекстиль» кўшма корхонаси маҳсулотларининг 90 фоизга яқини хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Россиялик ва хитойлик ҳамкорлар билан ташкил этилган мазкур корхонанинг нисом жамғармаси 7 миллион АКШ долларидан иборат бўлиб, маҳаллий хом ашё — пахта қайта ишлаб, калава-ип тайёрлаш учун Хитой ва бошқа давлатларнинг юксак унумли технологик линия ва ускуналари

билан жиҳозланган. Инвесторлар билан тузилган шартномага кўра цехларга пахта ни титиш, тараш, пиликлаш ва лента машиналари ўрнатилганлиги, уларнинг қувватидан унумли фойдаланилаётгани, албатта, сифатли маҳсулот тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда. Ҳавони мўтадиллаштириш, ишчи-хотимларга қулай иш шaroитлари яратиш мақсадида иккита технологик тозалаш мосламаси ҳам ўрнатилганлигини таъкидлаш лозим.

Айти кунларда кўшма корхонада тўлиқ қувватга эга бўлиш, маҳсулот турлари ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Келгусида жалб этилган инвестициялар ҳисобига ишлаб чиқариш да-

стгоҳлари, йигирув машиналар ва бошқа замонавий ускуналар келтирилиши, кўшимча иш ўринлари яратилиши ҳам кўзда тутилган. Тўлиқ қувват билан ишлаб бошланса, йилга 30 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш имконияти яратилади.

Корхонада асосий эътиборни маҳсулот сифатига қаратилиб, келгусида экспорт ҳажмини ошириш ҳам режалаштирилган. Ҳозирда 100 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоада уларга қулай иш ва яхши дам олиш шaroитлари мавжуд. Бу эса муваффақиятларга гаров бўлмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: корхона фаолиятдан лавҳа.
Козим Улмасов олган сурат

жойи, ётоқхона ва ошхонада ҳам аскарлар учун барча қулайликлар мавжуд.

— Хизматни бошлаганимизга унча кўп бўлгани йўқ, — дейди самарқандлик оддий аскар Мансур Аҳмедов. — Армия — ҳаёт мактаби, деганларича бор экан. Бу ерда одам ҳар жиҳатдан шаклланиб, ота-онани, Ватанига бўлган меҳр-муҳаббатни янада ортар экан. Ниятим халқимиз, Президентимизга садоқат билан хизмат қилиб, келажақда ҳарбий касб эгаси бўлишдир.

Еш аскарларнинг барчаси айти кунда ҳарбий техника ва қуроллардан фойдаланиш, ҳарбий хизмат мажбурияти ва бурчи бўйича ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамламоқда. Зеро, Ватан ҳимоячиси ўз зиммасига қўйилган ҳар қандай вазифани белгиланган муддатда ва сифатли бажаришига қодир бўлиши керак.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ЙИГИТЛАР ХИЗМАТНИ БОШЛАДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 19 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги қақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига асосан жойларда йигитларни Қуролли Кучларимиз сафига тантанали кузатиш маросимлари давом этмоқда.

Айти пайтда ҳарбий қисмларда хизматни бошлаган ёш аскарлар бошланғич билимини эгаллаб, илк кўникмаларни ҳосил қилмоқда. Уларга тажрибали офицер ва сержантлар соҳа сир-асрорларини ўргатаётир.

— Еш аскарларга пухта билим бериш катта масъулият талаб этади, — дейди пойтахтимиздаги ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қилаётган офицер Ақром Шукуров. — Бир неча йиллардан буён ўқув жара-

ёнида иштирок этаман. Хизматга келаётган йигитларнинг интеллектуал салоҳияти, дунёқараш ва мослашувчанлик даражаси ошиб бораётганига гувоҳман. Буни ёш аскарларнинг ўзини тутиши, масъулиятни ҳис этиши, хизматга бўлган муносабати ва фикрлашидан ҳам билиш мумкин. Бу юртимизда фуқароларни танлов асосида муддатли ҳарбий хизматга олиш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар

бераётган юксак самаралардан дидир.

Барча ҳарбий қисм ва муассасаларда бўлганидек, бу ерда ҳам ёш аскарларнинг ўқиши, яшаши, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириши учун барча шарт-шaroит яратилган. Машғулотлар ўтказиладиган хоналар кўргазмали ўқув қуроллари, компьютер техникаси, спорт майдонлари замонавий тренажёр ва мосламалар билан жиҳозланган. Саф тайёргарлиги ўтиш

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.

✓ **КЕЧА** «Тошбозорт айёрловсавдо» уюшмаси ташаббуси билан уюштирилган тадбирда ўтган йилда амалга оширилган ишлар ва жорий йил режалари муҳокама қилинди.

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида талаба-ёшларнинг театр актёрлари билан учрашуви ўтказилди.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодий университетиде талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда олимпиадаларнинг ролга бағишланди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** тест синовларидан муваффақиятли ўтган ўғлонларимизнинг яна бир гуруҳини муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди.

III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси олдидан

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Өкчил-энергетика мажмуида амалга оширилган ислохотлар натижасида нефть ва газ саноатини ривожлантиришда вулкан муваффақиятларга эришилди. Нефть ва газ конларини кидириб топиш, қазиб олиш, қайта ишлаш ишлари тақомиллаштирилди. Янги конларни топиш, ўзлаштириш, қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш, соҳага чет эл сармояларини жалб этишда юксак натижалар қўлга киритилмоқда.

Айни пайтда жамиятимизнинг кундан-кунга ўсиб бораётган эҳтиёжини қоплаш учун ишлаб чиқариш ҳажми ва миқдорини ошириш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш, соҳада самарадорлиқни ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда табиий ресурсларни тежаш ва экологик мувозанатга етказиладиган салбий таъсирларнинг олдини олиш долзарб вазифага айланмоқда. Бу масаланинг ечимини топишда ишлаб чиқаришда атроф-муҳитга безарар усул ва воситалардан фойдаланиш, илм-фан ва замонавий технологияларнинг ютуқларини амалга таъбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга таъбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори жамиятимизнинг бошқа тармоқлари каби нефть ва газ саноатида ҳам илм-фан ва янги технологияларнинг ютуқларидан кенг фойдаланиш учун янги уфқлар очди.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг инновация марказидан маълум қилишларича, ўтган икки ярмаркада олимларимиз ва соҳадаги ишлаб чиқарувчилар ўртасида олтиинчи яқин шартнома ва келишувлар имзоланган. Нефть ва газни кидириш, бургулаш, қазиб олиш, қайта ишлаш каби соҳаларда иш юритишнинг замонавий усуллари оид ўттизга яқин истиқболли лойиҳалар танлаб олинди, ҳаётга таъбиқ этиш чоралари қўйлаштирилди.

«Ўзбекнефтгаз» билан бу борада илмий-амалий ҳамкорлик қилаётган илм-фан муассасаларидан бири Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети.

Мазкур илм дароҳи олимлари ва профессор-ўқитувчилари ҳамда ёш тадқиқотчилар ўқитувчиликнинг турли тармоқлари, хусусан, нефть ва газ соҳаси учун малакали мутахассислар тайёрлаш билан бир қаторда ишлаб чиқариш жараёнларини

инновацион технологиялар асосида тақомиллаштиришга оид илмий-амалий лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этишда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Тошкент Давлат техника университетининг илмий лойиҳалар ва инновация марказидан олинган маълумотга кўра, ўтган икки ярмаркада университет олимларининг бир юз элликка яқин янги инновацион ишланма ва технологиялари намойиш этилган. Мутахассислар уларнинг салмоқли қисмини ишлаб чиқаришга жорий этишга тавсия этди. Буларнинг орасида нефть ва газ саноатида оид янги ишланмалар ҳам талайгина.



ИННОВАЦИЯ ВА НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИ ИСТИҚБОЛИ

Углеводород конларини кидириш ва излаб топиш учун истиқболли майдонларни аниқлашнинг янги усулига доир тадқиқотлар бунга мисолдир. Ушбу иxtирога Давлат патент идорасидан патент олинди. Ҳозирги вақтда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси тизимидаги ташиқлотларда бу усул синовдан ўтмоқда.

Бугунги кунда нефть ва газ қудуқларини бургулаш вақтида саноатлардан бир қатор муаммоларга дуч келади. Базыда қазилатган қудуқ деворларининг ўпирилиши ишчи механизмларнинг фаолиятига таъсир этади. Олимларимизнинг қудуқларни бургулаш жараёнида учрайдиган бундай асоратларнинг олдини олишга оид усул ва воситаларни ишлаб чиқиб бўйича илмий излаш ишлари натижасида сувда эрувчан полимер реагентлар ва ўпирилишга қарши эритмалар кашф этилди. Бу технологияларнинг қўлланилиши иш жараёнини тезлаштириш ва маҳсулотнинг ҳажмини оширишга хизмат қилади. Ушбу янги ишланмаларни амалга таъбиқ этиш бўйича «Сурхонпармалаш» ва «Бухоропармалаш» корхоналари билан шартнома имзоланди. Тадқиқотчилар илмий лойиҳаларининг

катта қисми қазиб олинган нефть ва газ маҳсулотларини турли зарарли аралашмалар, сув ва органик моддалардан тозалашда қўлланиладиган янги технологияларни ишлаб чиқишга йўналтирилган. Зеро, бундай инновацион ишланмалар истеъмолчиларни сифатли маҳсулот билан таъминлаш баробарида табиий ресурсларни тежаш ва атроф-муҳитга салбий таъсирларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади. Мисол учун, хомашёни олтингурут органик бирикмаларидан тозалашда ишлатиладиган янги катализатор маҳаллий хомашёдан олингани ва амалдагиларига қараганда тозалаш самараси юқорилиги билан ажралиб туради. Бу

ботланди. Бу иxtиро юзасидан тегишли корхона ва ташиқлотлар билан ҳамкорлик шартномалари имзоланган.

Табиатнинг ҳар бир неъматидан, жумладан, нефть ва газ захираларидан фойдаланишда ҳам ҳисоб-китоби иш юритиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, сайёраимизда мавжуд барча ер ости ва ер усти ресурслари чеклангандир. Улардан фойдаланишда тежамкор технологиялардан фойдаланиш масаласи тобора долзарблик касб этмоқда. Жумладан, анъанавий Өкчил ресурсларини тежаш ва бу йўналишда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни тақомиллаштириш устувор вазифага айланмоқда.

Юртимизда анъанавий тарзда ўтказиладиган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ана шу йўналишдаги вазифаларни ҳаётга таъбиқ этишга хизмат қилганига муҳим таъбиқлардан дандир. Шу йил 1-3 март кунлари бўлиб ўтказилган III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида қизгин ҳозирлик қўраётган олимлар ва мутахассислар бу борадаги долзарб вазифаларнинг ечимини оид илмий-тадқиқот ишлари натижаларини кенг намойиш этиш ва ундан амалда фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Жумладан, Тошкент Давлат техника университети илмий жамоаси ва ёш тадқиқотчилар бу галги ярмаркада олтиинчи ортиқ инновацион ишланма ва иxtиролари билан иштирок этишга ҳозирлик қўрмоқда. Айни пайтда ишлаб чиқариш соҳаси мутахассисларини янги ишланмалар билан яқинроқ таништириш мақсадида корхоналарда илмий лойиҳалар тақдироти ўтказилмоқда. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда тегишли корхона ва ташиқлотлар мутахассислари, олимлар ҳамда ёш тадқиқотчилар иштирок этди. Унда Тошкент Давлат техника университетининг нефть ва газни излаб топиш, қазиб олиш, қайта ишлаш жараёнларини тақомиллаштиришга оид янги илмий лойиҳаларни намойиш этилди. Соҳа доимлари билан илмий янгиликларни амалда қўллаш истиқболли юзасидан мулоқот ўтказилди. Тадбирда, шунингдек, қайталанувчи энергия манбаларидан фойдаланиш истиқболли хусусида ҳам фикрлашилди. Илмий-тадқиқот ишлари қўланини кенгайтириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга қаратилган тегишли эътибор иқтисодийнинг қўллаб тармоқлари ривожига, пировартида, Ватанимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Баҳор ХИДРИОВА, ЎЗА мухбири

ФРАКЦИЯ ЙИФИЛИШИ

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ўзининг илк бор сайланган депутатлари учун махсус семинар ташкил этди.

Семинардан қўзланган асосий мақсад – депутатларга Ўзбекистон Республикасида профессионал парламентга ўтилгандан кейин унда қонун ижодкорлиги, парламент назоратини йўлга қўйиш ва бошқа муҳим йўналишларда амалга оширилган тизимли ишларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида маълумот бериш.

Президентимиз томонидан шу йил 27 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» номи маърузасида янги қонундан сайланган парламент сифат жиҳатидан мутлақо янгича сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитда фаолият юритиши зарурлиги, бугунги кунда давлат ва жамият қурилиши соҳасида мамлакатимиз олдида ўзининг миқёси ва қамровига кўра улкан вазифаларни бажариш, шунингдек бу борада қонунчиликда қилиниши керак бўлган ишлар тўғрисида таъкилданди.

Йиғилишда мамлакатимизда чўқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислох этиш ва либераллаштириш жараёнларига профессионал парламент ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олганлиги таъкилданди. Муҳокамада фракция аъзолари томонидан қонун ташаббускорлигини кучайтириш, парламент назоратининг самарадорлигини ошириш, партия электорати билан ишлашни янги даражага олиб чиқиш борасида кўплаб таклиф ва фикрлар билдирилди.

Депутатлар ва партия экспертлари томонидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ақбар ЖИЯНОВ, «Туркистон-пресс»

Таълим

ЧЕХИЯ БЎЙЛАБ САЁХАТ

Ушбу тадбир Ўзбекистон Миллий университети томонидан уюштирилди.

Хорижий фиология факультетининг рус тилшунослиги кафедраси саъй-ҳаракати билан ўтказилган бу тадбирга шаҳримиздаги мактабларнинг юқори синф ўқувчилари таклиф қилинди.

Ўзаро мулоқот чоғида Чехия халқ оғзаки ижоди бўйича савол-жавоблар ҳам ташкил қилинди. Видео саёхат қўринишида намойиш қилинган «Эрталар — яхшилиққа етаклар» деган бадий лавҳа ҳам қизиқиш уйғотди. Тошкентдаги Чехия маданият маркази ушбу тадбир ташкилотчиларини муносиб тақдирлади.

МУАЛЛИФЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

178-мактабда ташкил этилган давра суҳбатида бошланғич синфлар учун дарсликлар яратиш жараёнлари ҳақида сўз борди.

Ўқиб китобининг янги тахрирда босмага тайёрланган наشري бўйича декларация тайёрланди. Ўқувчиларнинг бу чиқишида дарсликка киритилган халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам ижро этилди. Республика маърифат ўқув маркази режасига кўра юқори синфлар учун ёзилган дарсликлар тақдироти ўтказилди. Унда Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти олимлари ўзлари яратётган ўқув адабиётлари билан таништирди.

Ақбар АЛИЕВ

«МАРИЦА» ЯНА САҲНАДА

«Туркистон-пресс» хабарига кўра, Тошкент оперетта театрида мазкур асар премьераси олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Марица» опереттаси илк марта 1924 йилда Венанин «Ан дер Вин» театрида қўйилган. Ушбу беқиёс саҳна асари XX асрнинг 20-йилларида композитор И.Кальман томонидан ёзилган.

— «Марица» Тошкент оперетта театрида биринчи марта 1977 йилда саҳналаштирилган, — дейди адабиёт бўлими раҳбари Александр Шульга. — Биринчи ижрода бош роли ўзбекистон халқ артисти З.Соловей ижро этган. Қайта-қайта мурожаат қилинишига сабаб томошабинлар қизиқиши, асардаги муҳаббат, севги, нафосат ва аёлларга хос латофат, инсонларга хос ўлмас, умрбоқий туйғуллар тараннум этилишидир.

Таъкидлаш лозимки, композитор куй ва ашула ҳаракати асосида ёши ўтиб бораётган, аммо юраги орзуларга тўла бева аёлнинг ҳис-туйғуларини бор бўйича очиб берган. Қўйланадиган ариялар замирида венгер ва лўлилар ашула йўналишига кўпроқ ургу қаратилган бўлсада, асар барча халқлар учун бир хилда сезимлидир. Премьера 26 февралда бўлиб ўтади.

ганлиги юзасидан шикоят келиб тушган. Истеъмолчи «Чирой» клиникасига мурожаат этганида, қўшимча тўлов эзига қайта операция қилиниши, аммо унинг сифатли кишига кафолат йўқлиги билдирилди. Худудий бирлашма аралашуви билан истеъмолчи қилган ҳаракатининг маълум қисми қайтариб берилди.

Шайхонтохур тумани Бог кўчаси, 16-уй, 21-хонадонда истикомат қилувчи Ш.Мирзохидова Навоий кўчасидаги «Элит» савдо дўконидан «LG» русумли кир ювиги машинасини 603 минг сўмга сотиб олган. Ҳозирда маҳсулот сифатсиз чиққани боис, янги-сига алмаштирилган.

Хурматли ҳамшаҳарлар ва пойтахт хизмати хизматлари, агарда сиз ҳарид қилган маҳсулотда сифат кафолати бўзилгани аниқланса, Бундқор шохқўчаси, 23-а манзили бўйича ёки (998 712) 276-90-46, 276-89-35 телефонларига мурожаат этишингиз мумкин. Интернетдаги манзил: toozppuz@gmail.com.

Хидирали ПАНЖИЕВ тайёрлади

Қарор ва ижро ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустақамлаш, айниқса оналик ва болалиқни ҳар томонлама муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада шакллантирилган ҳуқуқий негиз ҳам авваламбор соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох қилишга, бунинг асосида яратилаётган шарт-шароитлар инсон омили, чунончи, она ва бола манфаатларининг тўлиқ ифода топишига қаратилгандир.

зилгани ҳам шу боисдандир. Мазкур тадбирда соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари ва бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

— Қайд этиб ўтилганидек, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, тиббий муассасалар моддий-техник негизини замонавийлаштириш чора-тадбирлари қаторида тарғибот ишларига, жумладан, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом авлодини тарбиялашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ўз ижобий самарасини бериши, шубҳасиз, — дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Раҳимовна. — Ҳозирда шу эзгу ниятда қилаётган ишларимизни кенгайтириб, ҳамкорлик-

Ушбу йўналишдаги ишларни янада тақомиллаштириш мақсадида мамлакатимиз Президентини қарорига мувофиқ жорий этилаётган махсус дастур ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Беш йилга мўлжалланган мазкур дастурда белгиланган чора-тадбирлар пировардида жисмоний ва маънавий баркамол авлодини воёга етказишга йўналтирилган бўлиб, бу борада фақат мажмуавий тарзда фаолият олиб берилгандагина самарага эришиш мумкин.

Айтиб ўтиш жоизки, айни пайтда асосий эътибор репродуктив саломатликка оид тарғибот-ташвиқот ишларига қаратилмоқда. Бунга жойларда мутахассислар ва аҳоли иштирокисидан ўтказиладиган кўплаб анжуманлар, семинарлар мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш мақсадида тузилган махсус жамоатчилик кенгаши асарият тадбирларнинг ташаббускори ва ташиқлотчи сифатида танилмоқда. Бундан ташқари, ўзининг мувофиқлаштирувчи тузилма ваколатига кўра, кенгаш ўтган вақт давомидида қилинган ишларни ҳам тахлил этиб бораётди. Дастлабки натижаларга кўра эса бу борада Сергели тумани намунали деб эътироф этилди.

Аҳоли саломатлигини мустақамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган навбатдаги шаҳар семинарининг айнан Сергели туманида ўтқа-



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда «Саҳна асари ва муסיқа» мавзусида ижодий учрашув бўлиб ўтди. Ушбу кечада Ўзбекистон санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Тўхтасин Гофурбеков, Эркин Самандаров,

Ўзбекистон фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Ҳафиз Абдусаматов, бастакорлардан Рустам Абдуллаев, Фарҳод Олимов, шоир, драматурглардан Ҳусниддин Шарипов, Ҳайдар Муҳаммад, Ҳайитмат Расул, Бахриддин Насриддиновлар иштирок этишди.

Санъат ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Тадбирда М.Уйғур номидаги Ўзбекистон Давлат санъат институти ва Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалари қатнашди.

Айтиш жоизки, муסיқа ва театр доимо бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган икки йирик санъат туридир. Авваламбор ушбу санъат турлари ҳақида сўз юритилганда, опера, балет, муסיқали драма каби йирик муסיқа жанрларини тушунамиз. Сўнгги йилларда айнан муסיқали драмада жуда ҳам ижод қилинаётганини айтиб ўтиш уринилди.

Ижодий кечада муסיқа ва театрга таалуқли бўлган қатор масала ва муаммолар ўртага ташланди. Муסיқали драмани омма орасида ёйиш, ёш либретточиларни тайёрлашни йўлга қўйиш, драмага куй басталайдиган истеъдодли бастакорларни тарбиялаш каби масалаларнинг муҳимлиги эътироф этилди, ечим борасида ҳам таклифлар билдирилди. Тадбирда санъатшунослик фанлари доктори Эркин Самандаров муסיқа пьесига, пьеса эса муסיқига муносиб бўлиши шартлигини таъкидлади. Драматург-

Дилноза АСАНОВА, Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси СУРАТДА: ижодий учрашувдан лавҳа

Истеъмолчилар ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича худудий бирлашмасига ўтган давр мобайнида 8858 та мурожаат тушди.

Сергели тумани 8-мавзе, 81-уй, 10-хонадонда яшовчи Н.Ғалиева «Браун» савдо дўконидан «Moulinex» русумидаги нон пишириш ускунасини 275 минг сўмга харид қилган. Бироқ маҳсулот сифатсиз чиққан. Худудий бирлашма аралашуви билан мазкур машиный ускуна таъмирлаб берилди.

Мирзо Улугбек тумани ТТЗ-4-мавзеси, 42-уй, 6-хонадонда истикомат қилувчи Е.Ҳегай Навоий-Зарқайнар кўчалари чорраҳаларида жойлашган «ROISON» фирма дўконидан 635 минг сўмлик «ROISON» русумидаги музлатгични харид қилган. Ушбу музлатгич нуқсонли бўлиб, истеъмолчи томонидан сервис марказига мурожаат этилганида, унинг

табаи қондирилмаган. Ҳозирда бу ҳолат истеъмолчи фойдасига ҳал этилган.

Собир Раҳимов тумани Зарқайнар 14-берк кўча, 252-уйда яшовчи С.Иргашева туман газ хизмати фаолиятига дахлдор масала юзасида мурожаат этган. Аризани ўрганиш мобайнида истеъмолчи ишлатилган газ миқдори нотўғри ҳисобланганлиги аниқланди. Унинг фойдасига 149525 сўм қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Чилонзор тумани, 17-мавзе, 40-уй, 67-хонадонда яшовчи Р.Навиновадан «Чирой» клиникасида 602 минг сўмга пластик жарроҳлик амалиёти қилдирганлиги, бироқ ушбу операция сифатсиз амалга оширил-

Куйида истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган айрим мисолларни келтирамиз.

Чилонзор тумани 3-мавзе, 14-уй, 32-хонадонда истикомат қилувчи Е.Дражук Навоий кўчасидаги «Телекомсавдо» дўконидан «NOKIA-6700» русумли уяли телефон аппаратини 660 минг сўмга харид қилган. Мазкур телефон аппарати ўзининг сифат кафолатини оқлай олмаганлиги сабабли янғисига алмаштириб берилган.

Собир Раҳимов тумани Абдураҳмонов кўчаси, 22-уй, 7-хонадонда яшовчи Д.Аҳмедова маълум муддат мобайнида уй телефонининг носоз бўлганлиги юзасидан мурожаат этган. Истеъмолчи аризасида кўрсатилган ҳолат «Ўзтелеком» акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилди.

Яққасарой тумани Бобур кўчаси, 67-уй, 38-хонадонда истикомат қилувчи Д.Йўлдошева яшб турган хонадоннинг томидан чакка ўтаётгани юзасидан мурожаат қилган. Ҳозирда ушбу ҳолат ижобий ҳал этилиб, истеъмолчи истикомат қилаётган уйнинг томи «фольгонзол» билан қопланди.



Уй бекаларига

ЧАРМ ПАРЧАЛАРИДАН НИМАЛАР ҚИЛИШ МУМКИН?

Эскириб, фойдаланиб бўлмайдиган ҳолга келган табиий чармдан ишланган этиклар, кўлқоплар, сумкалар — ҳар бир хонадонда шунга ўхшаш нарсалар йиғилиб қолиши табиий. Ташлаб юборишга кўзингиз қиймайди, аммо улардан фойдаланишнинг ҳам... Шу ерда бир ўйлаб кўринг-а: уларнинг ҳам фойдаси тегиши мумкин! Зеро, чармнинг кичкина бир парчаси ҳам каттагина фойда келтириши мумкин экан.

Куйида юқоридаги эски пойабзал ва бошқа чарм буюмлардан фойдаланиш бўйича мутахассислар тавсияларини эътиборингизга ҳавола қиламиз — фойдалансангиз, тежамкор ва уддабурон уй бекаси эканлигини амалда исботлаган бўласиз.

Пальто, плаш, шубанинг ич томонидан тугмаларга таглик сифатида тикилган чарм парчаси тугмаларни ҳам, кийимнинг ўзини ҳам пишиқ қилиб сақлайди, ўзига хос чирой ҳам бағишлайди.

Юпка чарм парчаси билан кўрimsиз тугмани қопласангиз, у дарҳол жозибадор кўриниш касб этади.

Чиройли чарм парчаси капалаксимон боғланиб шяпаа ёки бёлаларнинг бошқа бош кийимларига қадаб куйилса, уларни қувонтириши билан бир-

га, бошқаларга ҳам чиройли кўринади.

Чармдан ясалган учбурчаклар чўнтакларнинг йиртилган жойларини беркитиш билан бирга, унга ўзгача кўрк бахш этади.

Чарм тасма билан чўнтак оғизлари, енг учлари, ёқа четларини хошиялаш мумкин.

Кийимдаги чарм илгаклар газламага қараганда пишиқ, металл занжирлардан юмшоқ ва кўримлироқ бўлади.

Свитер ёки шимлардаги чарм ямоқлар, айниқса болалар кийимларида ситилиб кетган тирсак ва тиззаларга солинган чарм ямоқлар ҳатто ҳашамдор модел кўринишини касб этади.

Шафқ оёқларига елимлаб ёпиштирилган дағал чарм парчаси уни бир жойдан бошқа жойга кўчиришда полни қирилишдан асрайди. Чарм бўлаклари турли безаклар учун, мўъжаз халтачалар, ҳамёнлар, кўпгина фойдали буюмлар учун ғилофлар ясашга ишлатилиши мумкин.

Мабодо, чарм бўлаклари, лахтаклари ва парчалари кўп тўпланиб қолган ва сиз чарм буюмлар тикишни ўзлаштирган бўлсангиз, яхшигина бизнесга эга бўлдим деяверинг.

— Логопед Сайёра Жўраева маслаҳати билан биз ўғилчамиз Рашид билан уйда нутқ ўстирадиган машқларни бажаришга аҳд қилдик, — дея ҳикоя қилади қабулхонада ўтирган кўҳликка ёш жувон. — Олти ойлигидан бошлаб кўғирчоқларни тайёрлаб бўлишимга қараб уларни чақалоққа кўрсатар, унинг кўчалари билан кўғирчоқни силардим, у билан гаплашар, кўчаларини қисиб кўярдим ва буларнинг ҳаммаси унга ёқарди. Машқларимизга бир йилдан ошди.

— Уйингиздаги кўлбола "кўғирчоқ театри" боланинг нутқи ва фикрлаш қобилиятини ўстиришда муҳим роль ўйнайди, — деди ҳалиги онанинг гапига қўшилиб шифокор. — Боланинг тили чиқиши жадаллашади. Гўдакнинг сўзлар лугати ҳам сифат жиҳатидан, ҳам микдорий жиҳатдан бойийди. Диққатни бирон нарсага жамлаш қобилияти ўсиб, фикрлашга ўрганади.

Сайёраҳон мижозга куйидаги вазифани машқ қилишни маслаҳат берди: учта кўғирчоқ айиқ — ота айиқ, она айиқ ва айиқчани олиб, улар тилидан болакай билан суҳбат қуриш керак эди. Моҳираҳон, эри ва Маъфуралар учала айиқ номидан Рашид билан гаплаша бошлашди. Логопед Моҳираҳонга тегишли маслаҳатларни бериб турди. Улар тахминан

куйдагилардан иборат эди. Болакайдан ҳар бир айиқчани кўрсатиб "Бу нима?" деб сўраб, ўзингиз жавоб беришингиз мумкин: "Катта айиқ", "Она айиқ", "Жажжи маймоқвой". Бир-бир ярим ёшли болага айиқлар мисолида оила ҳақида ту-

— Рашиднинг маймоқчалари борми? — Йўқ, Рашиднинг кўчалари бор! — Ойижонисининг кўчалари бор. — Дадажонисининг кўчалари бор. — Маъфуранинг кўчалари бор. Бу Рашиднинг нимаси — кўлчасими?

Шифокор-логопед тавсияси асосида оиланинг ҳар учала аъзоси Рашид-жонга кетма-кет турли саволлар билан мувожаат қилиб, тегишли жавобларни олишга интилишарди. Болакай эса, зўр бериб айиқнинг бўйидаги марсияси асосида оиланинг ҳар учала аъзоси Рашид-жонга кетма-кет турли саволлар билан мувожаат қилиб, тегишли жавобларни олишга интилишарди. Болакай эса, зўр бериб айиқнинг бўйидаги марсияси асосида оиланинг ҳар учала аъзоси Рашид-жонга кетма-кет турли саволлар билан мувожаат қилиб, тегишли жавобларни олишга интилишарди.

НУТҚ ЎСТИРИШНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛЛАРИ

шунча беришга бирмунча эрта, икки ёшлардан эса уришиб кўрсангиз бўлади.

Хозирча жониворларнинг номлари ва катта-кичиклигига эътиборни қаратиш, кейинроқ бориб, уларнинг роллари ҳақида гапирса бўлади.

- Қарагин, айиққолвон!
- Айиққолвоннинг маймоқ кўллари бор.
- Қани маймоқларини кўрсатчи.
- Айиққолвоннинг мана бу кўзлари.
- Қани, кўзларини кўрсатчи!
- Айиққолвоннинг қулоқлари ва ҳоказо — шу тарика мулоқотлар олиб борилади.
- Кейин эса:
- Рашиднинг қулоқлари борми?
- Кўрсатчи! "Қулоқ" дегин!
- Рашиднинг кўзлари бор.

жонларни юлиб олишга ҳаракат қиларди. Лекин "айиқчанинг бурни қани?" деган саволга жавоб бериб, унинг бурнини ушлаб олди.

Гўдакнинг нутқини ўстиришнинг бир усулинигина тилга олдик. Мутахассис маслаҳати асосида иш кўриб борилса, фарзандларингизнинг тили тез чиқади, нутқи ривож топади, фикрлаш қобилияти ўсади. Бунинг муҳим шартларидан бири доимо у билан мулоқот қилишга, турлича вазиятларда бир оғиз бўлса ҳам сўз билан муносабатини билдиришга кўникириб бориш лозим. Гўдакни турли шароитларда ўз тенглари билан, каттароқ ёшдаги болалар билан, ота-она, яқинлари билан мулоқот қилишни тўғри уюштириш албатта қутилган натижани беради.



Ўн минг киши овоз берди:

БАРЧА ДАВРЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ ИХТИРОСИ

Лондондаги Фан музейи ходимлари уюштирган овоз беришда қатнашган 50 минг кишидан ўн минг нафари рентген нурланишининг кашф этилиши — барча даврларнинг энг муҳим ихтироси, деб ҳисоблашгани билдирган. Британияликларнинг фикрига кўра, айнан рентген тиббиётда жиддий силжиш рўй беришига — инсон танасига жарроҳлик тиббиёти киритиб беришига имкон берган.

Энг муҳим илмий ютуқлар ўн минг йил иккинчи ўрини тиббиётда янги даврни — антибиотиклар билан даволашни бошлаб берган пенициллиннинг кашф этилиши эгаллаган. Британияликлар ДНК тузилишининг аниқланишини учинчи ўринга қўйишди. Энг муҳим ихтиролар рейтингидега шуни қўйдик: "Аполлон-10" кемаси ва "Фай-2" баллистик ракетага яратилган ракетасиз муҳандислик тафаккури ҳам қайд этилди.

- Энг буюк ихтиролар ўн минг йил рўйхати куйидагилар:
- 1. Рентген аппарати
- 2. Пенициллин
- 3. ДНК иккиланма спирали
- 4. "Аполлон-10" фазовий кемаси
- 5. Реактив двигател
- 6. Биринчи локмотив "Пакета"
- 7. Pilot ASE компьютери
- 8. Буғ машинаси
- 9. "Форд-Т"
- 10. Электр телеграф.

Табиат сирлари

ОЛИМЛАР МУШОҲАДАСИ

Инсоннинг обрўга эришиши бош мия олдпешона қобиғи ўнг ён қисми иштирокида рўй беради, дейилади жумладан Proceedings of the National Academy of Sciences журналида элон қилинган тадқиқотчилар мақоласида. — Мия шу қисми иштирокида бузилишлар ҳатто одам ўз обрўси учун ҳалокатли эканини тушуниб турган ҳолатида ҳам унинг йўлдан озшиб, нафс хирсига қарши курашишига ҳалакат беради.

Цюрихдаги Иқтисодиётда эмпирик тадқиқотлар институтининг Эрнст Фер раҳбарлигидаги олимлари кўнгиллилар иштирокида мураккаб тажрибани ўтказишга ва унинг ёрдамида умри давомида ўз обрўсини ошириб бориш устида ишлашида инсонга миянинг қайси қисми ёрдам бериши ҳақидаги ўз тахминларини исботлашга муваффақ бўлишди.

Ўтказилган тажрибалари давомида швейцариялик олимлар ўзаро ишонч ўйи-

нини ўйнашни таклиф этиб, унга 87 нафар кўнгиллиларни жалб этишди. Мазкур ўйиннинг ҳар бир раундида икки аноним иштирокчига 10 очко таклиф этилиб, унинг ҳар бири тахминан 0,25 АҚШ долларига тенг эди. Қатнашчилардан бири (инвестор) иккинчисига бир, тўрт, етти ёки 10 очко топшириши керак бўлиб, ўйини бошқарувчи томонидан эса, бу очколар тўрт баравар оширилди. Шундан кейин иккинчи қатнашчи (ишончли вакил)

олинган очколарнинг чорак қисмини ёки тўпланган бални бутун йиғиндисининг ярмини инвесторга қайтариш ёхуд ҳаммасини ўзида қолдиришни ўзи ҳал қилиши керак эди. Шу тарика, агар инвестор 10 очконинг ҳаммасини бошқарувчи орқали ишончли вакилга берса, ишончли вакил ҳам 10 ўрнига 40 очкони олганидан кейин ўзидаги 50 очконинг ярмини инвесторга берсагина ҳар икки ўйинчи энг кўп даражада бойиши юз беради.

Ўйин давомида ҳар бир янги аноним раундда инвесторлар ҳам сўнги уч раундда янги ишончли вакиллари ўзларини қандай туганлари ҳақида маълумотга эга бўлиб, уларнинг ҳалол ўйинчили сифатидаги шаъни ёки ҳар қандай йўл билан бойиб олишга интилувчанликлари тўғрисида мушоҳада юрита олардилар.

Тажрибаларнинг ярмида олимлар ўйин бошланиши олдида бош мия олдпешона қобиғи ён қисмларига унинг ишига пугур етказувчи таъсир ўтказишди. Бундай таъсир натижасида бир раунддан иккинчисига ва ундан кейингисига ўтиб боришда, ҳалол ўйнаш прин-

ципларини тушуниб турганлари ҳолда ишончли вакиллар обрўларини йўқотиб боришди. Ушбу қобикнинг чап қисмига ўтказилган таъсир эса бундай натижа бермади.

Шундай қилиб, олдпешона ўнг ён қисми қобиғи зарарланган одамлар ўз шаънларига салбий таъсир этишини тушуниб туриб ҳам кўпроқ бойлик орттириш вазвасасига қарши тура олмадилар. Бу ҳолат инсоннинг хулқ-атвор принципларини тушуниши ва бошқа одамлар билан ўзаро ҳамкорлик пайти уларга амал қилиши ўртасида жиддий фарқлар борлигини билдиради, дейилади мақола якунида.

Кузатувчанмисиз?

ҚУШЛАР "БАШОРАТИ"

- Хонаки қушлар сайрашмаептими — деямак, совуқ кунлар ҳали давом этади.
- Чумчуқлар шох-шаббалар орасига яшинишидими — бу кун совуши ёки бўрондан дарак.
- Чумчуқлар товухоналар олдида ўрмаллашиб, пар ва пат йиғишга тушишса — бир неча кун давомидаги қаттиқ совуқни кутаверинг.
- Қарғалар ва зағчалар ҳавода айланиб учушса — қор келади, қорга ўтиришса — кунлар илишдан дарак. Дарахтларнинг учларига кўнишлари — совуққа, пастки шохларга кўнишлари — шамол бўлишига ишора.
- Қарға ва зағчалар чошғоҳда ерга тумшуқлари билан кўнишса — кун исийди. Қарға туш пайти қағилласа — илиқликка ишора, шимолга қараб қағиллашса эса — совуқдан хабар.
- Қарғалар гала бўлиб қағиллашса, совуқни кутаверинг. У йўл бўйлаб оёқлари билан юрса — кунлар илишга ишора.
- Эрталаб қарға дарахтнинг учида ўтирган бўлса — исзирин бўлади.
- Қарғалар дарахтларда ўтириб олиб қағиллашса, қор бўрони ёки кучли шамол кутилади.
- Читтақ эрталабдан чувиллаб қолса — кечасига совуқни кутинг.
- Кунлар илиши олдида кунлар дарахт шохларига кўнишади.

Спорт оламида

«ОСКАР» СОВРИНДОРЛАРИ

ня Ричардс (АҚШ, енгил атлетика), Бритта Штеффен (Германия, сузиш), Линдсей Вонн (АҚШ, тоғ чангиси), Серена Уильямс (АҚШ, теннисчи).

Йил жамоаси — "Барселона" (Испания, футбол), Brawn GP (Буюк Британия, "Формула-1"), Германиянинг футбол бўйича жамоаси, "Лос-Анжелес Лейкерс" (АҚШ, баскетбол), "Нью-Йорк Янкиз" (АҚШ, бейсбол), регби бўйича Жанубий Африка терма жамоаси.

Йил шиддати — Женсон Баттон (Буюк Британия, "Формула-1"), Марк

Кавердиш (Буюк Британия, велоспорт), Том Дэйли (Буюк Британия, сувга сакраш), Хуан Мартин дель Потро (Аргентина, теннис), Жи Яй Шин (Жанубий Корея, гольф), ФК "Вольфсбург" (Германия, футбол).

Қайтарилган йил — Лэнс Армстронг (АҚШ, велоспорт), Ким Клейстерс (Бельгия, теннисчи), Жессика Эннис (Буюк Британия, енгил атлетика), Бретт Фавр (АҚШ, Америка футбол), Бланка Власич (Хорватия, енгил атлетика), Том Уотсон (АҚШ, гольф).

Яқинда видеотакрорлардан фойдаланишга қарши чиққан ФИФА президенти Йозеф Блаттер ташкилотнинг март ойидаги конференциясида дарвозалар ортига ўрнатилган видеокameraларни жорий этиш масаласи муҳокама қилинишини билдирди.

"Мен видеотакрорларга бутунлай қарши эмасман, деган у. Модомки, технология ҳақиқатан ҳам фойдаланишга тайёр бўлса — мен фақат бунинг тараф-

дориман. Агар тизимнинг хавфсизлиги кафолатланган бўлса, биз видеотакрорларни жорий этамиз.

ди" — Sports.ru Блаттернинг шу сўзларини келтиради. 74 ёшли Халқаро футбол федерацияси (ФИФА)

тим якунига етмоқда, — деган у, — лекин мен ФИФАдаги ишларимни тугатганим йўқ. Агар саломатлигим жойида бўлса, мен ўз вазифада қолиш ниятидаман. Бу борада Конгресс тегишли қарор чиқаради ва фақат унинг ўзи яна ФИФАни бошқаришимга ижозат бериши мумкин. Агар менга у "йўқ" деса, Ҳамдўстликнинг кейинги Кубок мусобақаларига меҳмон сифатида келишим мумкин".

БЛАТТЕР ВИДЕОТАКРОРЛАРГА ҚАРШИ ЭМАС

Лекин бу воқеа 2010 йилги жаҳон чемпионатигача содир бўлмайди. У ерда биз таваккал қилмаймиз, жумладан, кўшимча ҳақамлар ҳам жорий этилмай-

ди" — Sports.ru Блаттернинг шу сўзларини келтиради. 74 ёшли Халқаро футбол федерацияси (ФИФА)

тим якунига етмоқда, — деган у, — лекин мен ФИФАдаги ишларимни тугатганим йўқ. Агар саломатлигим жойида бўлса, мен ўз вазифада қолиш ниятидаман. Бу борада Конгресс тегишли қарор чиқаради ва фақат унинг ўзи яна ФИФАни бошқаришимга ижозат бериши мумкин. Агар менга у "йўқ" деса, Ҳамдўстликнинг кейинги Кубок мусобақаларига меҳмон сифатида келишим мумкин".

Она сайёрамиз сир-синаотлари

АФСОНаВИЙ АТЛАНТИДА НИҲОЯТ ТОПИЛДИМИ?

Қадимги Юнонистон файласуфи Афлотун (Платон) тилга олган Атлантида жойи ниҳоят аниқлангандай. Атайин номларини билдиришни истамаган сувости археологлари жамоаси чўкиб кетган Атлантидани топанликларини эълон қилишди.

Улар бир қанча суратларни тақдим этиб, даъво қилишларича, ўша суратларда Миср эҳромларини эслатувчи, аммо улардан анча қадимийроқ пирамидаларни пайқаш мумкин.

Суратга олинган жой ва уни суратга тушириш усуллари ошкор этилмайди — "чўкиб кетган шаҳар" ҳақидаги баёнотнинг номаълум муаллифлари олиб бориладиган тадқиқотлар учун зарур маблағни тўплаб олгандан кейингина тафсилотларни ошкор этишмоқчи. Фақат бир нарса — топилма Қариб денгизи ҳавзасида экани маълум қилинган.

Ушбу галати хабар илк бор Herald de Paris француз газетасида пайдо бўлган ва шундан кейин Жаҳон интернет тармоғи орқали "Атлантида"га оид жумбоқли суратлар тарқала бошлаган.

Бу ерда афсонавий китъа — Атлантида оролини биринчи бўлиб Афлотун (эраимиздан олдинги 427 — 347 йиллар) ўзининг "Критий" ва "Тимей" асарларида тилга олганлигини эслатиш ўринли. Файласуф тахминига кўра, тамаддунинг юқори чўққиларига эришган атлантлар — қандайдир қудратли ва довурак халқ яшаган мазкур орол Атлантика океанида Гибралтарнинг ортида жойлашган бўлиб, эраимизгача 9750 ва 8570 йиллар орасида мавжуд бўлган. "Бир кун ва фалокатли тун"да рўй берган табиий ҳалокат натижасида океан тубига чўкиб кетган Атлантида қадимги юнон афсоналари буюк қаҳрамонларидан бири — Прометейнинг акаси Атлант шарафига шу ном билан аталган эди.

Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.

Осиё чемпиони — 2010

ЎЗБЕК ГИМНАСТИКАЧИЛАРИ ОСИЁДА ТЕНГСИЗ

Бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионатининг яқкалик беллашувларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари тўртта олтин ва иккита кумуш медалга сазовор бўлди.

Мусобақанинг учинчи кунини арғамчи, тўп, ҳалқа ва булавада машқ бажариш бўйича ўтказилган беллашувларда ҳар бир гимнастика предмети бўйича энг кучли сажитзадан спортчи голиблик учун куч синашди.

Бахсларда ҳамюртимиз Азиза Мамажоновна бу йилги қитъа чемпионатида энг кучли иштирокчи эканини яна бир карра исботлади. Умидли гимнастикачимизнинг тўп ёрдамида ижро этган композицияси энг кўп — 23,925, булавада бажарган машқлари 22,8, ҳалқа ёрдамидаги чиқиши 23,275 балл билан баҳоланди.

бир ўғил-қизнинг муқаддас бурчидир. Чемпионатда муваффақиятли қатнашаётган яна бир спортчимиз — Хуснибону Фулмова арғамчида бажарилган машқларда 22,950 балл жамғариб, терма жамоамиз ҳисобига яна битта олтин медал тақдим этди.



Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ, Байрам АЙТМУРОДОВ

Юн ЛИ, гимнастикачи (Хитой):

— Яқка курашда арғамчи билан бажарган машқим учун бронза медалини кўлга киритишга муваффақ бўлдим. Кувончим чексиз.

Ўзбекистонлик гимнастикачиларнинг рақс ва ҳаракатлари бизни ҳайратда қолдирди. Улар ҳақли равишда олтин медалга сазовор бўлдилар. Уларнинг бадий чиқишларини томоша қилиб, гимнастика борасида катта таърибага эга эканликларига амин бўлдим.

Акеми ФУЖИНО, мураббий (Япония):

— Осиё чемпионатида тўққиз гимнастикачидан иборат гуруҳимиз иштирок этмоқда. Ўтган йили мамлакатимизда ўтказилган спорт гимнастикаси бўйича мураббийлар ва ҳакамлар учун техник семинарда иштирок этганим. Ушундан юртингизга яна келишини дилимга тугиб кўйганим.

СЎЗ — ЧЕМПИОНАТ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Беллашувнинг юксак савияда ташкил этилгани, гимнастикачиларнинг мусобақада иштирок этиши, ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилгани тахсинга лойиқ. Осиё чемпионати кўлаба мамлакатлардан келган гимнастикачилар ва мутахассислар билан танишиш, таъриба алмашиш имконини бермоқда. Ушбу мусобақа китъамизда бадий гимнастика янада тараққий этишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Вивен ХО, гимнастикачи (Сингапур):

— «Универсал» спорт маркази замонавийлиги, юқори сифатли гимнастика жиҳозлари билан тўлиқ таъминлангани, ҳар

қандай спорт анжуманини юксак савияда ташкил этиш имкониятлари билан бизда катта таассурот қолдирди. Юртингизда ёшларнинг ўз иқтидорини юзага чиқариши учун кенг имкониятлар яратилган.

Бурассақорн СРИТОНГТАИ, гимнастикачи (Таиланд):

— Гимнастика спортинг энг нафис турларидан бири бўлиб, ҳозир дунёда кенг оммавийлашиб бормоқда.

Осиё чемпионатининг яқкаликлар баҳсида қатнашаётган спортчилар чемпионатининг сўнгги кунини — 19 февралда кўпкураш бўйича совринли ўринлар ва жорий йилнинг 14-26 август кунлари Сингапурда ташкил этиладиган ёшлар ўртасидаги I Олимпиада ўйинларига бериладиган бир жуфт йўлланма учун куч синашди.

Осиё чемпионатининг яқкаликлар баҳсида қатнашаётган спортчилар чемпионатининг сўнгги кунини — 19 февралда кўпкураш бўйича совринли ўринлар ва жорий йилнинг 14-26 август кунлари Сингапурда ташкил этиладиган ёшлар ўртасидаги I Олимпиада ўйинларига бериладиган бир жуфт йўлланма учун куч синашди.

Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган V халқаро мусиқа фестивалида Успенский номидаги Республика иختисослаштирилган мусиқа академик лицейининг бир гуруҳ ўқувчилари ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

ЁШ МУСИҚАЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Мамлакатимиз Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича мусиқа мактабларида қатор ишлар амалга оширилляпти. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштириш, ёшларга миллий ва жаҳон мусиқа дурдоналарини ўргатиш борасидаги сазой-ҳаракатлари ўз самарасини берапти.

Санкт-Петербург шаҳрида эллиқдан ортик мамлакатнинг иқтидорли ўғил-қизлари иштирокида ўтган халқаро мусиқа фестивалида юртимиз фарзандлари муносиб ютуқларга эришгани ҳам бунинг далилидир.

Ушбу нуфузли фестивалда академик лицей ўқувчилари Муҳриддин Сайфиддинов скрипка ва Жамшид Сайидқаримов виолончель йўналишларида голиб бўлишди. Ниғуфар Муҳиддинова скрипка чалишда иккинчи ўринга муносиб топилди. «Энг яхши концерт-мейстер» номинацияси бўйича Кан Елена голибликни кўлга киритди.

Муваффақиятга эришишда ўқувчининг иқтидори, изланиши билан бирга устоз ва ота-она ҳамкорлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. — дейди лицей ўқитувчиси Маъсуда Аҳмедова. — Машаққатли меҳнат, мусиқанинг нозик жиҳатлари, ўзига хос сир-синаотларини кунт билан ўрганиши натижасида фарзандларимиз бугун катта ютуқларга эришишмоқда. Жумладан, скрипка, фортепиано ва виолончелда европаликлардан ўтиб куй ижро этишганини жаҳон тан олди. Кувонарлиси, ўқувчиларимиз фестивалда ҳам яққохон, ҳам гуруҳ сифатида иштирок этди. «Томшабин олқиши» номинацияси ҳам ўзaro иждоий гуруҳга бирлашиб, куй ижро этган лицейимиз талабаларига насиб этди.

Азиза ҚИЁСОВА, «Туркистон-пресс»

Кейинги пайтда ана шу масалага давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида эътибор қаратилаётганилиги, бу йўналишда махсус қарор ва фармойишлар қабул қилинганлиги ҳам бежиз эмас. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 23 июндаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2009-2010 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан кўзланган асосий мақсад ҳам халқ хўжалиги масканлари, шунингдек, аҳоли турар жойларида фуқароларнинг тинч ва осойишта яшашлари учун барча чораларни кўриш, жойларда ёнғинларнинг олдини олиш ва иқтисодий тармоқлар хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир. Шунга кўра Республика Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «ЎзбекЭнерго» ДАК ва «ЎзТрансГаз» АҚлари томонидан махсус ташкилий ва амалий иш режаси ишлаб чиқилиб, жойларга ижро учун юборилди. Мазкур режа асосида амалга оширилган ишларни ўз вақтида умумлаштириш ва тахлил қилиш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси ИИВ

«01» ГАЗ ХАВФИНИНГ ОЛДИНИ ОЛСА БЎЛАДИ

Маълумки, халқ хўжалиги ривожига газ ёқилғиси асосий ўринда турувчи неъматдир. Шу боис ҳар бир кишидан мазкур неъматдан хавфсизлик қондалари асосларида фойдаланишга эътиборни кучайтириш талаб этилади.

Ўзбекистонда бадий гимнастика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионати биз, гимнастикачиларнинг ўз иқтидоримизни намойён этиш учун қулай имконият бўлди. Умид қиламан, Ўзбекистонга яна кўп келаман.

Лим Сью КУАН, ҳакам (Сингапур):

— Ўзбекистонда спортнинг барча турларини, жумладан, бадий гимнастикани ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, уларнинг спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратиш борасида ҳавас қилса арзигулик ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим.

Улкан иқтидор ва интеллектуал салоҳиятга эга Ўзбекистон ёшлари ҳар жаҳада, айниқса, спорт соҳасида ўз қобилиятини кенг намойён этиб келаётганига ушбу чемпионат чоғида яна бир бор амин бўлдим. Қатор олтин медалларни кўлга киритаётган ўзбекистонлик спорт малакалари жаҳон ареналарида янада юқори чўққиларни забт этиши шубҳасиз.

(ЎЗА)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан 2007 йил 4 апрелда Юнусобод туман ҳудудини санитар тозалаш ягона буюртмачи дирекциясига берилган шаҳарда юк ташиш ҳуқуқини берувчи АТ № 0015074 сонли лицензиянинг 1) Хундай 260 русумли д/р 10 АУ567 2) Хундай 120 русумли д/р 10 АХ 852 3) Хундай 120 русумли д/р 10 АХ 866 бўлган автотранспортларга тегишли лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан, 17.11.2009 йилдаги №23457-58/13 ижро ҳужжатига асосан, Х.А. Юлдашевга тегишли, Сергели тумани Сергели 3-мавзе, 3-уй манзилида жойлашган, 4 хонали, умумий майдони 88,97 кв.м. бўлган, 64-хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 37 888 000 сўм.

ларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтайтилади.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4203 нусхада босилади. Қоғоз бирими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.